


Ўзбекистондаги сув тансиқлиги




Origin: (26.20, 6.05) km Extent: (0.91, 0.41) km Area: 0.38 sq km

Сув баланси

Ўрганилаётган объект учун танланган вақт оралиғида сувнинг оқиб келиши (кирими) ва ишлатилиши (чиқими)ни, унинг захираси ўзгаришини эътиборга олган ҳолдаги ўзаро муносабати сув баланси (мувозанати) дейилади.

Ер курраси сув балансининг асосий ташкил этувчилари



Ўрта Осиёнинг сув баланси тенгламаси

Ўрта Осиёнинг тоғли қисми билан текисликлар қисмининг гидрологик хусусиятлари бир-бирига қарама-қаршидир. Буни сув мувозанати тенгламаси ёрдамида айниқса яққол кўриш мумкин

- Тоғли қисмининг сув мувозанат тенгламасини қуйидагича ифодаласа бўлади: $X = Z + Y_2 + W_2$
- бу ерда: X – ёғинларнинг ўртача кўп йиллик миқдори, Z - ўртача кўп йиллик буғланиш миқдори, Y_2 – тоғлардан текисликларга оқиб кетган оқар сувнинг ўртача кўп йиллик миқдори, W_2 – ер ости орқали оқиб кетган оқим миқдори.
- Текисликлар учун сув мувозанати тенгламасини қуйидагича тузиш мумкин: $X + Y = Z$
- бу ерда: X – текисликларга ёғадиган ўртача кўп йиллик ёғин миқдори, Y – тоғлардан келган оқар сувнинг ўртача кўп йиллик миқдори, Z – текисликлар юзасида буғланадиган намликнинг ўртача кўп йиллик миқдори.

Худуднинг оқим ҳосил бўлиш шароитига кўра бўлиниши.

В.Л. Шульц Ўрта Осиё худудини оқим ҳосил бўлиш шароитига кўра қуйидаги худудларга бўлган:

1. Оқим ҳосил бўлиш худуди, бу худуд тоғларга тўғри келади;
2. Оқим тарқалиш худуди, бу худуд текисликлар худудининг тоғлардан келган сувларни қайтадан атмосферага буғлатиб юборадиган қисмига тўғри келади;
3. Оқимнинг мувозанатлик худуди, яъни дарё ва сойлардан маҳрум бўлган худуд.

Оқимнинг ҳосил бўлиш худудида ёғиннинг миқдори буғланиш миқдоридан катта ($X > Z$), оқимнинг тарқалиш худудида, аксинча ёғин миқдorigа нисбатан буғланиш кўпроқ ($X < Z$), оқимнинг мувозанатлик худудида эса ёғин билан буғланиш тахминан бир бирига ($X=Z$) тенг бўлади.

Ўрта Осиё дарёларини мустақил ҳавзаларига бўлиниши

- Каспий денгизи ҳавзаси, Атрек дарёси;
- Туркманистондаги берк дарёлар ҳавзаси (Мурғоб, Тажан дарёлари);
- Орол денгизи ҳавзаси (Амударё, Сирдарё);
- Балхаш кўли ҳавзаси (Или, Қоратол ва Оқсув дарёлари);
- Чуй, Талас дарёлари ва Иссиқкўл ҳавзаси.